«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 30 июнь ● сешанба ● № 28 (645) ● www.minjust.uz

Энг таъсирчан восита

Ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

Уни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов олиб борди.

ОАВ ва ҳамкорлик

УНДА вазирлик ва идоралар вакиллари, жамоат ташкилотлари ҳамда марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ФҲДЁ ва нотариал идоралари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар, жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлантиришда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларни ташкил этишда, тайёрланаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлигини оширишда ОАВ билан ҳамкорлик самаралари ҳақида айтиб ўтилди.

Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири — жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган. Ушбу тадбирларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳимдир.

Тадбирда таъкидланганидек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, айниқса, ёшларнинг конституциявий билимларини мустаҳкамлаш юзасидан вазирлик томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот юқори савияда ташкил этилмоқда.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган 2008 йилда вазирлик томонидан салкам 43 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, улардан 2150 таси телевидениеда, 2440 таси радиода, 3600 таси газета ва журналларда ёритилган.

2009 йилнинг шу даврига эса ушбу рақам 14000 тани ташкил этди.

2 ▶

//Адлия ёрдам берди

Сансоларликка йўл қўйилмайди

НАВОИЙ вилояти адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йилда судларга 142 та даъво аризаси киритилиб, улар томонидан ушбу даъво аризалари тўлиқ кўриб чиқилиши таъминланди ва суд қарорларига асосан 18 879 097 сўм ундирилиши белгиланди. Жорий йилнинг 1-чораги давомида 35 та даъво аризаси киритилиб, булар асосида судлар томонидан 15 197 641 сўм ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Масалан, Хатирчи туманидаги "Олтинсой" чорвачилик ширкат хўжалиги томонидан 51 нафар пубратчи оилага 3 631 718 сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Ушбу фуқаролик иши 2009 йил 16 январда кўриб чиқилиб, иш ҳақлари тўлиқ суммада ҳамда жавобгардан қисман маънавий зарар ундирилиши тўғрисида қарор чиқарилди.

Шунингдек, Навбаҳор тумани "Сармиш" чорвачилик ширкат хўжалигида ҳам 80 нафар ишчи-ходимга 9 735 874 сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 18 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан иш ҳақлари тўлиқ, ишчи ходимларга тегишли суммада маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Киритилган таклифга асосан, хўжалик раиси А.Ғуломов, бош ҳисобчи С.Маматовларга вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2009 йил 6 мартда МЖтКнинг 49-моддасига асосан 84 120 сўмдан маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор чиқарилди.

Шунингдек, ушбу хўжалик раҳбар шахслари тўлов интизомига риоя қилмасдан дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрмаган ва бу иш ҳақидаги қарздорлик кўпайишига таъсир ўтказган. Адлия бошқармаси томонидан киритилган таклифга асосан Навбаҳор тумани ДСИ томонидан 2009 йил 25 мартда хўжалик раиси А.Ғуломов ва бош ҳисобчи С.Маматовга нисбатан МЖтКнинг 49-моддаси 175-моддаси, 3-қисми билан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, яъни 280 400 сўмдан маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор чиқарилди.

Бўлимга келиб тушаётган мурожаатлар қисқа муддатларда кўриб чиқилмоқда.

Масалан, 2009 йил 29 январда Кармана туманида яшовчи фуқаро Бўранов Жамол адлия бошқармасига шикоят йўллаб, "Халқ банки" Кармана тумани бўлими томонидан истеъмол кредити ажратилиши пайсалга солинаётганлигини билдирди. Ўтказилган текширишда банк ходимлари томонидан бу фуқарога кредит ажратилиши лозим бўлса-да, айрим ҳужжатлар сохталаштирилиб, кредит бошқа субъектга, яъни "Ихтиёр-Барака Рулис" хусусий фирмасига кўчириб юборилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат тўлиқ ўрганиб чиқилиб, барча ҳужжатлар 2009 йил 17 февралда Навоий вилояти прокуратурасига юборилди. Кармана тумани прокуратураси томонидан 2009 йил 15 мартда ушбу ҳолат юзасидан "Халқ банки" Кармана тумани бўлими ва "Ихтиёр Барака рулис" хусусий фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми ва 205-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ишонч телефонларига келиб тушаётган мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, кўриб чиқилмоқда.

Масалан, Навбаҳор тумани "Келачи" маҳалласида яшовчи Ҳамроев Умрия 2009 йил 2 апрель куни "ишонч телефони" орқали пенсия ололмаётганлигини билдирди. Адлия бошқармаси амалий ёрдами билан шу куннинг ўзида бу фуқарога 102 951 сўм, қизи М.Бўтаевага 55 550 сўм, Г.Бўтаевага 108 667 сўм пенсия ва нафақалар тўлаб берилиши таъминланди.

Бўлим томонидан кўрилган таъсир чораларига асосан I чоракда 18 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий, 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Ўткир ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг 2009 йил 17 февраль сонида Янгийўл шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Алимжонова яшаш шароити талабга жавоб бермаслиги сабабли 4 нафар вояга етмаган невараларини васийликка ололмаётганлиги ҳақида ҳамда 2009 йил 7 апрель сонида эса фуқаро Н.Алимжонованинг Янгийўл шаҳар прокуратураси ва ҳокимлиги томонидан ҳомийлар ёрдамида унинг уйини таъмирлаш ва битказиб бериш чоралари кўрилаётганлиги ҳақида мақолалар чоп этилган эди.

Уй битказилди

Болаларга қулай шароит яратилди

БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ, Янгийўл шаҳар прокуратураси, туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида фуқаро Н.Алимжонованинг уйи битказилиб, болалар учун қулай яшаш шароити яратилди. Шу муносабат билан Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2009 йил 21 апрелдаги қарорига биноан фуқаро Н.Алимжонова 4 нафар вояга етмаган невараларига васий этиб тайинланди.

Б.ХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти прокурори вазифасини бажарувчи

Асфалтлаш ишлари

октябрь ойида якунланади

МИРЗО УЛУҒБЕК тумани ҳокимлиги томонидан фуқаро К.Усмоновнинг шикояти атрофлича ўрганиб чиқилди.

ЎРГАНИШ натижасида "Қизилсув" кўчасида асфальтлаш ишлари 2009 йилнинг III чорагида амалга оширилиши режалаштирилди. 2009 йил 20 октябрга қадар асфалтлаш ишлари якунига етказилади.

Р.ХАДЖИЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари

Ер майдони ажратилди

Бирламчи ҳужжатлар назоратда

ПОП шаҳар, С.Эргашев кўчаси, 28-уйда яшовчи Х.Рустамовнинг дўкон қуриш учун ажратилган ер майдони асоссиз олиб қўйилганлиги ҳақидаги "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига қилган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

ТЕКШИРИШ жараёнида ариза муаллифи Х.Рустамов, фуқаро О.Қосимова ва туман бош архитектори У.Шамрамовлар прокуратурага таклиф этилиб, Х.Рустамовдан ўртадаги низони бартараф этиш бўйича талаби сўралганда, у О.Қосимованинг лойиҳа ҳужжатида кўрсатилган ва ўзининг фаолият кўрсатишига қулай бўлган қурилиши якунланмаган 20 м² майдонни этикдўзлик дўкони ўрнига қонуний тартибда алмаштирилса ва ҳужжатларни расмийлаштиришда туман ҳокимлиги томонидан амалий ёрдам берилса, унинг ҳеч қандай талаби ва эътирози қолмаслигини билдирган.

О.Қосимова ҳам ўзининг қурилиши битмаган савдо дўкони ўрнини Х.Рустамовнинг этикдўзлик дўкони ўрнига алмаштирилишига рози эканлигини билдирган.

Х.Рустамов аризаси ҳал этилишидан қониққанлигини, бошқа ҳеч қандай талаб ва эътирозлари йўқлигини, О.Қосимова билан ўзаро келишиб олганини ва ўрталарида низо қолмаганлигини билдириб, тушунтириш хати ёзиб берган.

Туман прокуратураси томонидан Х.Рустамовга ажратилган ер майдонида қурилишни амалга ошириш учун бирламчи ҳужжатлар тайёрланиши ва туман ҳокимининг қарори чиқарилиши назоратга олинди.

Ш.АБЕРКУЛОВ,
Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари

Иш билан таъминланди

нафақа пули тайинланди

ЗАНГИОТА туманидаги Нодира кўчасида яшовчи фуқаро Н.Унгалбаеванинг таҳриятга ёзган аризаси вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутасадди ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

ЗАНГИОТА тумани бандликка кўмаклашувчи маркази ва ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотга кўра, фуқаро Н.Унгалбаевага мақбул иш ўринлари таклиф этилиб, "СПАНТЕХ ТОШКЕНТ-ТЎЙТЕПА" корхонасига ишга жойлашиш учун йўлланма берилган. Ҳозирги кунда фуқаро Н.Унгалбаева уч ярим ёшли фарзанди билан Тошкент тумани Келес шаҳарчасида ижарада яшаб келмоқда.

Шунингдек, 2009 йил 11 июнь куни "Назарбек" КФЙ, ғиштчилар маҳалла фаоллари томонидан Унгалбаева Нуржамолнинг отаси Унгалбаев Абдумутал ва ўғай онаси Унгалбаева Гулсунлар иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилиб, фуқаро Унгалбаева Нуржамолга 2 хона ажратиб берилди.

Бундан ташқари, Н.Унгалбаеванинг уч ярим ёшли фарзандини болалар боғчасига жойлаштириш ва вояга етмаган болали оилаларга бериладиган нафақа пулини тайинлаш маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кўриб чиқилмоқда.

С.АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари

"АНДИЖОН МАХСУС ТАЪМИНОТ" МЧЖ раҳбари А.Маматхоновнинг қарздор "Сирдарё электр тармоқлари" ОАЖдан жами 3,4 миллион сўм ундириш ҳақидаги Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 10 майдаги қарори ижроси таъминланмаётганлиги юзасидан ёзган аризаси суд департаменти томонидан ўрганиб чиқилди.

Тўлиқ ундирилди

АРИЗАНИ ўрганиш жараёнида қолган 3,3 миллион сўм 2009 йил 6 март куни тўлиқ ундирилган, лекин "Андижон махсус таъминот" МЧЖнинг ҳозирги кундаги ҳисоб рақами номаълум бўлганлиги сабабли суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамига туширилган.

Суд ижрочилари томонидан суд қарорида кўрсатилган сумма тўлиқ ундирилганлиги ва ҳисоб рақамини маълум қилганидан кейин ҳисоб рақамига ўтказилиши тушунтирилди.

У.АБДУАЛИЕВ,
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари

Энг таъсирчан восита

Ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Эътироф этилганидек, айнан ОАВ ходимларининг ёрдами билан адлия тизими фаолиятини, хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш йўналишлари бўйича ёритилаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлиги ҳам бирмунча яхшиланди.

Журналистларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида вазирлик томонидан сўнгги икки йил давомида "Адлия идоралари ОАВ нигоҳида" республика кўрик-танлови ташкил этилди ва у ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шунингдек, Адлия вазирлиги доимо тарғибот тадбирларида ОАВдан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратаётганлиги, ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши қайд қилинди.

Тадбир сўнгида 50 нафарга яқин ОАВ ходими Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Адвокатура институти

Малакали юридик ёрдам

кўрсатишнинг энг муҳим устувор йўналишлари

МАЪЛУМКИ, 2008 йил 1 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2008 йил 31 декабрда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Фармон ва Қонун ўз мазмунига кўра, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – адвокатура тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунига асосан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят-ижроия кодекс, **"Адвокатура тўғрисида"**ги ва **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги қонунларга ўзгартишлар киритилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан айбланувчи қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши, ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу кодексга гувоҳнинг адвокати деган 66[1]-модда киритилганлиги мазкур соҳада илғор демократик қоидалар ўрнатилишидан далолат беради. Ушбу янги қоидага асосан, жиноят процессида гувоҳ ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини адвокат ёрдамида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Жиноят процессуал кодексининг 224-моддасига киритилган ўзгартишга асосан ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига ёки ҳамкасбига ушлаб турилганлиги ҳақида хабар бериши, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишгача бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек, у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шартлиги белгилаб қўйилди.

Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддаси эса юқоридаги қонунга асосан юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосига кўра берилишини, адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиш учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши кераклиги, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланиши ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Ушбу Қонун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатурани ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўи ва нуфузини ошириш мақсадига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур Қонунга биноан, адвокат малакасига ва мақомига қўйилган талаблар ўзгармоқда, қолаверса, Адвокатлар палатаси ҳам ташкил этилди. Жумладан, **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонуннинг **"Адвокат"** деб номланган 3-моддаси янги таҳрирда баён қилинган. Шунингдек, яна бир неча янги нормалар билан ҳам тўлдирилган. Адвокат мақомига эга бўлган адвокатлар бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатлар каби янги нормалар шулар жумласидандир.

Эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига малакали юридик хизматлар кўрсатилишига эришилади ҳамда адвокатура юксак малакага эга бўлган мутахассислар билан таъминланиши баробарида замонавий моддий техника базаси ҳам яхшиланади.

Содиқжон ЖЎРАЕВ, Навоий вилояти Зарафшон ихтисослаштирилган прокуроринг ёрдамчиси

Ҳуқуқий тарғибот

Ислоҳотлар муваффақияти

халқнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, билими ҳамда маданияти даражасига боғлиқдир

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси" ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

ШУНИНГДЕК, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг талаба ва ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режаси ҳамда Адлия вазирлиги билан Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича тузилган Меморандумлар мазкур йўналишда ушбу идоралар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз самарали бўлишини таъминламоқда.

Режада белгиланганидек, Адлия вазирлиги марказий аппарат бошқармалари ходимлари вилоятлар марказидан узоқда бўлган қишлоқ ва овуллар аҳолиси билан учрашиб, уларга юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқдалар. Яқинда Тошкент вилояти, Зангиота тумани банк коллежида ва "Ўзгариш" қишлоқ фуқаролар йиғинида, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани ҳокимлигида ва "Жарқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган давра суҳбатлари бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш жоизки, адлия органлари ва муассасалари томонидан бугунги кунга қадар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ҳамда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини қишлоқ аҳолиси ўртасида тушунтиришга, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган 1495 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шулардан 245 таси оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилди. Ўтказилган 1216 та оғзаки тарғибот тадбирларининг 545 таси маъруза шаклида, 481 таси давра суҳбати шаклида, 184 таси семинар шаклида, 6 таси илмий-амалий конференция тарзида амалга оширилди.

Шунингдек, ҳуқуқий мавзуда ўқув қўлланмаси, рисолалар ва бошқа материаллар чоп этилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилиб, 24 турдаги плакат ва буклетлар тайёрланди.

Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари М.Нурматов, Ж.Сафаровлар томонидан "Қишлоқ тараққиёти: бугуни ва келажак истиқболлари" номли ўқув қўлланмаси тайёрланиб, нашрдан чиқарилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, жамиятимиздаги бугунги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, онги, билими ҳамда маданияти даражасига узвий боғлиқдир.Зеро, аҳолининг ҳуқуқий билими, маънавияти, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳаммад ТОШОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Фаолият мезони

Оиланинг олтин қўрғони

ришталар мустаҳкамлигини тақозо этади

ОИЛА ҳар бир жамиятнинг асосий бўғини, мамлакат ичидаги кичик бир давлат саналади. Шу боис унинг муқаддаслиги, дахлсизлиги замон ва макон чегараларини билмайди.

ОИЛА қўрғонининг мустаҳкамлиги жамият таянчи, юрт равнақи демакдир. Зеро, келажагимиз эгалари – фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашлари энг аввало, оилада шаклланади ва камол топади.

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга ғоят катта аҳамият берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жумладан, ёш оилаларга, аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оналарга, мактаб болалари ва талабаларга моддий ва маънавий ёрдам ажратиш, алоҳида имтиёзлар бериш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларнинг ҳуқуқий асоси сифатида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 1994 йил 16 июндаги **"Болали оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида"**ги ҳамда 1994 йил 23 августдаги **"Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонлари муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг кўламини кенгайтириш билан бирга ёш оилалар ижтимоий муҳофазасининг кафолати сифатида жамиятда ўз ўрнини топди. Бу эса, оиланинг жамият ривожида тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий манфаатларини ҳамда фаровонлигини яхшилашнинг давлат муҳофазасига олинганлигидан далолат беради.

Шунингдек, оилавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ўз навбатида оила қонунчилигида янги меъёрларни ҳам белгилаб бермоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 25 августда қабул қилинган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори никоҳланувчи шахсларнинг никоҳдан ўтишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тартибини белгилайди. Ушбу қарор билан эса, нафақат оила мустаҳкамлиги, балки соғлом фарзандлар туғилишига ҳам замин яратилади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришда, меҳнат фаолиятини бошлашда барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмларини ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин. Мазкур Фармонга мувофиқ ёш оилалар тоифасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгиланган. Бу эса ёшларнинг Фармонда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ҳукуматимиз томонидан оилага қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик, кенг имтиёз ва имкониятларга қарамасдан ажралишлар сонининг камаймаётгани, бу эса оила-никоҳ муносабатларига жиддий таъсир кўрсатаётгани ачинарли ҳол, албатта. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фаолиятимиз давомида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, ФҲДЁ бўлими қошида ёшларни оилага тайёрловчи "Ёш оила мактаби" ўқув-тарбиявий курси фаолият юритмоқда. Бу курсда режа асосида "Ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари", "Оилада урф-одат ва анъаналар, уларнинг оилавий муносабатларга таъсири", "Ажралиш ва уларнинг олдини олиш чоралари", "Оилада оила аъзоларининг ўрни" каби мавзуларда машғулотлар ўтказилмоқда. Бу эса, оила қураётган ёшлар маънавиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳалла, ўқув муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда.

Зеро, оиланинг олтин қўрғони асрлар давомида аждодларимизнинг замонлар оша сайқал берган маънавий ва маданий бойликлари хазинасини сақлаб, бойитиб келувчи мустаҳкам истеҳкомдир. Оилавий муносабатлар, эзгу удумлар, ҳикматга бой анъаналар олтин қўрғон ичидаги бебаҳо хазинадир. Бу хазина халқни халқ, миллатни миллат қилиб турувчи маънавиятимизнинг ёрқин юлдузидир.

Назира ЧОРИЕВА, Қизириқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Савол-жавоб

Меросдаги улуш

қачон, қай тартибда ажратиб олинади?

— ЯҚИНДА қўшни вилоятда истиқомат қилган бобом ҳаётдан кўз юмдилар. Айтинг-чи, бобомдан қолган меросдан мен ўз улушимни қачон ва қай тартибда ажратиб олишим мумкин? Бу тўғрида кимга мурожаат этишим керак?

К.ИСМОИЛОВ, Қашқадарё вилояти

– НОТАРИАЛ идоралар жисмоний ёки юридик шахсларнинг меросга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаб, қонуний мерос эгасига айланишини таъминлайди. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкини қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларнинг вазифасига киради.

Нотариуслар мерос очилганлиги ҳақида хабар олгач, бу ҳақда меросхўрларнинг турар жойи ва иш жойига хабар қилиши шарт. Улар оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш орқали ҳам меросхўрларни чақириши мумкин.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 54-моддасида, **"Мерос мол-мулкнинг қўриқланиши учун нотариуслар бу мол-мулкни рўйхатга олади ва мол-мулкни сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширади.**

Мерос таркибида бошқаришни талаб этадиган мол-мулк бўлса, шунингдек, мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво кўзғатган ҳолларда нотариус мерос бошқарувчисини тайинлайди. Давлат нотариал идораси бўлмаган жойларда фуқароларнинг тегишли ўзини ўзи бошқариш органи юқорида кўрсатилган ҳолларда мерос молмулк устидан мерос бошқарувчисини тайинлайди", деб белгиланган.

Ушбу Қонунга мувофиқ меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар мерос очилган жойдаги нотариус ёрдамида меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра расмийлаштирилади.

Гувоҳномалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилиши шарт.

Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритилиши мумкин. Бу розилик меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилгунига қадар ёзма равишда билдирилиши керак.

Гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида-алоҳида берилиши мумкин.

Шавкат ЭРГАШЕВ, Шеробод тумани давлат нотариал идораси нотариуси

2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"

Ер унумдор бўлса

юртга қут-барака киради

МАМЛАКАТИМИЗДА қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ турли муносабатларни тартибга солувчи қатор қонун ҳужжатлари мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида экологик ва иқтисодий сиёсатнинг уйғунлашуви ҳамда унинг ҳуқуқий мустаҳкамланиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муаммоси таҳлилига ҳам тизимли ёндашишни тақозо этади.

ХУСУСАН, Асосий қонунимизнинг 18, 19, 20-моддаларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, биринчидан, аграр муносабатларда иштирок этаётган фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги ҳамда қишлоқ хўжалиги хусусиятлари, ижтимоий адолат тамойиллари асосида имтиёз ва манфаатларга эга бўлиши, иккинчидан, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига путур етказмаслиги тамойиллари белгиланган.

Конституциянинг VII бобида белгиланган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, VIII бобдаги сиёсий ҳуқуқлари қишлоқда истиқомат қиладиган, меҳнат фаолиятини олиб бораётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини жадаллаштиришга имкон яратади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури"нинг муҳим йўналишларидан бири ҳам "мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ". Ер кодексининг тегишли моддалари ва ер ресурсларига оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида ерларни муҳофаза қилишнинг технологик, иқтисодий, экологик, ташкилий ва бошқа тадбирлари ҳамда воситалари батафсил тартибга солинган бўлиши ва уларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали механизми белгилаб қўйилиши зарур. Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш жараёнида ҳуқуқ субъектлари муайян раҳбарий қоидаларга, ғояларга, муайян ҳуқуқ тамойилларига амал қилишлари лозим.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда атроф-табиий муҳитни, жумладан ерларни муҳофаза қилиш муаммосига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш принципи бевосита қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланишга тааллуқли. Бу соҳада ҳар бир ердан фойдаланувчи ўзига бириктирилган ер участкасини асраши, яъни унинг бошқа мақсадда ишлатилиши, чиқиндилар ва бошқа ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланишининг олдини олиши шарт.



Ернинг тупроқ сифати доимо минерал ва бошқа ўғитлар билан бойитилиб бориши, унинг унумдорлиги пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган, яъни суғориладиган ерларни алоҳида муҳофаза қилиш ва қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш тамойили асосида шаклланган нормалар бундай тоифадаги ерларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилайди. Бунга сабаб, бу ерларнинг миқдор жиҳатидан чеклангани ва маҳсулот етиштирувчи ишлаб чиқариш воситалари бўлиб хизмат қилишидир.

Хуллас, ерларни муҳофаза қилиш қонунчилигида муайян раҳбарий қоидалар ва ғояларнинг, яъни тамойилларнинг белгиланиши шу қонунчиликнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқишда, қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ёрдамида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг самарали тизими шаклланади.

Жўрабек ШОДИЕВ, Санжар СОДИҚОВ, ТДЮИ ўқитувчилари

Суд-ҳуқуқ тизими

Ислоҳотлар самараси

амалда намоён бўлмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2008 йил 1 январдан кучга кирган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгртиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан Республикамизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

ШУНИНГДЕК, Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги янги Концепциянинг ҳаётий ифодаси намунасидир. 2008 йил 1 январдан бошлаб дастлабки тергов жараёнида қамоққа олишга санкция бериш ваколати судлар томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг амалий ифодаси сифатида 1996 йил 27 декабрда **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар давом эттирилиб, 1998 йил 25 декабрда адвокатнинг дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳимояси, юридик ёрдамни таъ-

минлаш кафолатлари, адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат — **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди.

Адвокатура фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши боис, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида унинг мақомини юксалтириш, ваколатлари ҳамда масъулиятини ошириш, адвокатлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Ўзбекистон Республикаси адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилиниб, унда адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган ва 2009 йил 1 январдан кучга кирган **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун ҳам бу соҳада амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳуқуқий давлатнинг ва фуқаролик ҳуқуқий жамиятининг умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарур таркибий қисмидир. Мамлакатимизда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини вужудга келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ойбек БОЗОРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Олижаноблик, бағрикенглик

фазилатлари мужассам

МАМЛАКАТИМИЗ суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида бундай кенг қамровли ўзгаришлар оддий фуқаролар ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётганига ҳам эътибор қаратсак, фойдадан холи бўлмайди. Яқинда бир ҳамкасбим билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик.



ҚИШЛОҚҚА боргандим. Қўшни маҳалладаги танишим мени йўқлаб келибди, — дейди у. — Йигирма йиллар аввал дадасининг "Москвич" машинасида бир болани уриб юборгани ҳақида гапириб, ўша замонларни эслади:

— Қаҳри қаттиқ замон эди-да, ўшанда болапақир ўн кундаёқ чопқиллаб кетди, менга эса.. беш йил беришди. Уч ой аввал қўшни қишлоқдаги Норматнинг 17 ёшли ўғли ҳам тасодифан қўшнисини машинада уриб юборди. Оббо, шўрпешона ўтириб чиқадиган бўлди-да, дея ачингандим. Йўқ, ҳайтовур Нормат етказилган зарарни, касалхона харажатини қоплабди. Ярашув деган янгилик бор экан, суд шуни қўллаб, йигитни жазодан озод қилибди. Биласан, "қамалиб чиққан", деган гап билан юриш осон эмас. Ўша йигит жазодан озод этилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Негаки, бошимга оғир кунлар тушганида ота-онамнинг маҳалла-кўйга қўшилолмай юргани ҳам майли, ҳалиги боланинг ота-онаси билан адоватлашиб қолганимиз-чи... Тунов куни Нормат ўша қўшниси билан апоқ-чапоқ бозорда юрибди. Ана, сенга ярашувнинг шарофати, — дебди дўстимга ҳамқишлоғи.

Демак, ярашув институтининг ғоятда муҳим аҳамияти шу қадар теран таҳлил этилмоқда. Аниқроғи, ярашув институтидан кўзланган мақсад тўла-тўкис амалга ошди. У нафақат Нормат ака ва унинг ўғли сингари кўплаб юртдошларимизни турли кўнгилсизликлардан асраб қолди, айни чоғда оққўнгил одамлар қалбида ҳукуматимизнинг одилона сиёсатидан мамнуният туйғусини ҳам оширди.

Дарҳақиқат, республикамиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг барчаси босқичма-босқич, узвий изчилликда амалга оширилмоқда. Бу халқимизнинг "етти ўлчаб, бир кес", деган ақидасига тўла мос келади. Қувонарлиси шундаки, шошма-шошарлик билан эмас, чуқур ўйлаб амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар эндиликда ўз самарасини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина ўлим жазоси бекор қилиниши билан боғлиқ жараённи ёдга олайлик. Ўша кезларда "Ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан бирйўла чиқариб ташлаган маъқул. Бунда босқичма-босқич иш юритиш шарт эмас", дегувчилар кўпчиликни ташкил этди. Бироқ вақт ўтиши билан ўлим жазосидан секин-аста воз кечиш халқимизни ҳар томонлама тайёрлаш билан боғлиқ жараён эканлиги яққол англашилди.

Айтиш жоизки, жиноий жазолар, айниқса иқтисод соҳасидаги жиноятларнинг либераллаштирилиши муносабати билан нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланади, балки иқтисодиётга етказилган зарар ҳам бартараф этилади. Зеро, айбдор дастлабки тергов ёхуд суд жараёнида етказилган зиённи қисман қоплайди. Натижада жамиятдан, оиласидан ажралган ҳолда озодликдан мосуво умр ўтказишдек оғир жазодан халос бўлади. Ахир, бир пайтлар шўро тузуми замонларида арзимаган камомад учун сотувчи дейсизми, ҳисобчи дейсизми, йиллар мобайнида панжара ортида азият чеккан юртдошларимиз камми? Бунинг оқибатида уларнинг аксарияти "судланган" деган тамға остида дурустроқ фаолият билан шуғулланолмасди, ҳатто бу уларнинг фарзандларига ҳам таъсир этиб қоларди. Истиқлол шарофати билан бундай кўр-кўрона иш тутиш, инсон тақдирига беписанд қараш сингари иллатларга барҳам берилди.

Айни кезда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар давом этмоқда. Бундай кўламли саъй-ҳаракатлар замирида халқимиз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсад мужассам.

Равшан МУҲСИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Узун тумани суди раиси

Таҳлил

Дастлабки тергов

Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

АМАЛИЁТДА содир қилинган жиноятни зудлик билан очишда дастлабки терговнинг ўрни беқиёс. Дастлабки терговнинг мураккаблиги шундаки, баъзан жиноятни очишда далиллар етарли бўлмайди.

БУНДАЙ ҳолатлар терговда баъзи муаммоларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Дастлабки тергов органлари процессуал актининг мазмуни содир этилган жиноятни очиш ҳамда иш жараёнида ҳуқуқий масалаларни тўғри ҳал этиш учун зарур қарорларни қабул қилиш юзасидан амалга ошириладиган ҳаракатлардан иборат. Унинг ўзига хос хусусияти шуки, ҳар бир процессуал ҳаракат расмийлаштирилиши шарт. Шунинг учун жиноят-процессуал акт мазмунини тор маънода, яъни фақат ҳужжат сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан унинг мазмунини алоҳида таркибий қисмларга ҳамда барча ҳужжатларга нисбатан қўйилган талабларнинг мажмуи тарзида кўриб чиқиш мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят иши юзасидан тузиладиган ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар мавжуд эмас. Унда айрим ҳужжатларнинг фақат номи айтиб ўтилган, мазмуни эса ёритиб берилмаган. Эътиборлиси, процессуал актларга қўйиладиган талаблар жиноят процессуал ҳуқуқида ишлаб чиқилган. Уларни умумий ва махсус талабларга бўлиш мумкин. Махсус талаблар асосан дастлабки тергов ва суриштирувни олиб борувчи орган ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлар ва қабул қилинган қарорлар қайд этиладиган ҳужжатларга нисбатан (қарор, баённома, айблов хулосаси, тақдимнома в.б.) қўлланади ва улар процессуал ҳужжатнинг ички мазмунини тўлароқ очиб беради.

Қонунийлик тузиладиган процессуал ҳужжатнинг ҳуқуқий нормаларга аниқ мос келишини англатади. Дастлабки тергов актларининг қонунийлиги учта элементдан ташкил топади: жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига риоя этиш, жиноят ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш, ҳуқуқнинг бошқа нормаларига риоя этиш.

Агар унинг шакли, қабул қилиниш тартиби ва шартлари жиноят- процессуал қонунчилик нормалари билан қатъий белгиланган бўлса, у ваколатли орган ёки шахс томонидан қабул қилинган бўлса, шарт бўлган барча маълумотлардан таркиб топган бўлса, процессуал ҳужжат қонуний, деб тан олинади. Рус ҳуқуқшунос олими А.Михайленко махсус талабларга процессуал актларни қабул қилишнинг кетма-кетлигини ҳам киритади. Бу бизнингча тўғри ва асосли фикр. Чунки, ҳар қандай процессуал ҳужжат процессуал ҳаракатнинг маълум кетма-кетликда амалга оширилишига мувофиқ тарзда ҳужжатлаштирилади. Масалан, қонунда назарда тутилган асослар ва тартибга кўра, шахс айбланувчи тариқасида жалб этилиши мумкин. Суд амалиёти тергов ҳаракатларини расмийлаштириш кетма-кетлиги бузилган ҳолда олинган далилларни мақбул, деб тан олмайди.

Дастлабки терговдаги процессуал ҳужжатларнинг қонунийлиги жиноят ҳуқуқи нормаларига риоя этилишини ҳам ўз ичига олади. Рус олимлари Ю.Манаев ва Л.Репкиннинг фикрича, дастлабки терговнинг ҳар бир босқичида терговчининг ҳар қандай ҳаракатида жиноят ҳуқуқи нормалари қўлланилади. Улар ўз фикрини шундай асослашади: терговчи қарорларини қайд этувчи барча процессуал ҳужжатларда жиноятнинг квалификацияси кўрсатилиши лозим. Бизнинг фикримизча, ҳужжатда ЖК моддаси ифодаланиши факти жиноят қонунини қўллашни англатмайди. Жиноят ҳуқуқи нормаларининг терговчи томонидан мустақил қўлланиши дастлабки терговни якунловчи ҳужжатларда, яъни айбланувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби топилган ҳолатда жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ҳужжатларда амалга оширилади. Аммо асосий масала жиноят қонунини тўғри қўллашда, яъни процессуал актларда жиноятни тўғри квалификация қилишда (айбланувчи тариқасида жалб этиш тўғрисида қарор, айблов хулосаси) дастлабки тергов процессуал ҳужжатларида фуқаролик, маъмурий, уй-жой, солиқ ва бошқа моддий ҳуқуқ соҳаларининг нормалари ҳам қўлланилади.

Яҳё АБДУРАҲМОНОВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ижтимоий-сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, банк соҳасидаги ислоҳотлар натижасида соҳа ривожи йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

2008 ЙИЛНИНГ ўзида ҳукуматимиз томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Агробанк", "Микрокредитбанк", "Қишлоқ қурилиш банк"и каби етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича бир қатор

Кафолат

Аҳоли ишончини мустаҳкамлаш

банк соҳасининг бош мақсади

муҳим қарорлар қабул қилинди.

Корпоратив мижозлар ва аҳолининг банкларга бўлган ишончининг ошиши соҳада катта ижобий ишлар қилинаётганлигидан далолатдир.

Шу ўринда 2002 йил апрель ойида қабул қилинган **"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимини яратишга ҳуқуқий асос бўлди.

Қонун қабул қилинишидан икки асосий мақсад кўзланган бўлиб, биринчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, яъни аҳолининг банкларга бўлган қонуний талаблари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчидан, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш, бўш пул маблағларини банкларга молиявий ресурс сифатида жалб қилишдан иборат.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йилнинг 19 сентябридаги **"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"**ги қарори билан республикамизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди ҳамда унинг Низоми ва кузатув кенгаши аъзоларининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Фонд фаолиятининг асосий мақсади банклардаги аҳоли омонатларини кафолатлаш ва банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олинган тақдирда ундаги омонатларни қонунда белгиланган тартибда кафолатлаш ва тўлаб беришдан иборатлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларидан мамлакатимиз аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида Президентимиз 2008 йил 28 ноябрда **"Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида фуқаролар омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармон қабул қилди.

Ушбу Фармонда мамлакатимизда фуқароларнинг банклардаги омонатлари юқорида номи келтирилган Қонунга мувофиқ давлат томонидан ҳимоялангани ва қонунчиликка мувофиқ аҳоли омонатларини тўлаб бериш ишончли кафолатланганлиги таъкидланган.

Фармонда фуқароларнинг тижорат банкларининг депозит ҳисоб варақларидаги омонатлари ҳажми қанчалигидан қатъи назар, тўлиқ миқдорда тўлаб берилишини кафолатлаш тартиби ўрнатилди. Амалдаги қонунда ушбу миқдор республикада мавжуд энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдорида чегараланган эди. **"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 10-моддаси, 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинди: **"Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банкнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида акс эттирилган омонатларнинг қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади"**.

Ўзгартишлар киритилиб, такомиллаштирилган ушбу Қонун фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш ва аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

Нодир АББОСОВ,
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди директори ўринбосари

Жараён

Жамоат бирлашмаларининг фаоллиги

демократия кўзгуси

ДАВЛАТ ва жамиятни бошқаришнинг янгича тамойиллари шаклланиб боргани сари бу жараёнда иштирок этаётган тузилмалар фаолияти ҳам шунга мос равишда такомиллашади. Жамоат ташкилотлари ривожланишнинг бундай босқичида бутун саъй-ҳаракатларини олиб борилаётган ислоҳотларга муносиб улуш қўшиш, ижтимоий ҳаётда ўз мавқеи ва ўрнини топишга қаратади. Чунки улар моҳиятан ҳам, табиатан ҳам жамоатчиликка яқин бўлиб, одамлар билан бевосита алоқада, бевосита ҳамкорликда иш олиб боради.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинган, давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шундай бирлашмаларни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти мониторингини олиб бориш Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти адлия бошқармасида давлат рўйхатидан ҳамда ҳисоб рўйхатидан ўтиб, фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари 423 тани ва давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотлар эса 272 тани ташкил этади.

2008 йил ва 2009 йилнинг 1-чораги мобайнида режа асосида 55 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва 33 та диний ташкилот фаолияти Республика қонунчилиги ва ўз уставларига мувофиқлиги амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиб чиқилди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан уларнинг раҳбар органига 35 та огоҳнома ҳамда 5 та тақдимнома киритилди.

Жумладан, 2008 йил давомида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Пскент, Юқоричирчиқ, Қибрай ва Ўртачирчиқ тумани ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Зангиота тумани кенгашлари ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент вилояти кенгаши, Ўзбекистон "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Тошкент вилояти кенгаши, Рус маданий марказининг Бўстонлиқ тумани бўлими, Тошкент корейслар жамоат бирлашмасининг Янгийўл ва Ўртачирчиқ тумани бўлимлари белгиланган тартибда Адлия бошқармасидан ҳисоб рўйхатидан ва қайта ҳисоб рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мустақиллик моҳияти, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вазифалари, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларига оид мавзуларда вилоятнинг туман ва шаҳарларида, маҳаллаларда, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар раҳбарлари ва аъзолари иштирокида давра суҳбатлари, шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчи-талабалари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг минтақавий ҳамда финал босқичлари ўтказилди.

Бу ишларнинг давоми сифатида аҳоли ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш, турли кўринишдаги ноқонуний ҳаракатлар, тарғиботларга йўл қўймаслик мақсадида адлия бошқармаси томонидан буклет жорий қилиниб, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими орқали жойларга тарқатилмоқда.

Салоҳиддин САТТОРОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ҲАР БИРИМИЗ истаймизми йўқми ҳаётимиз давомида шартнома, турли-туман битимлар имзолаш каби жараёнларга дуч келамиз. Бу борадаги ҳуқуқий хизмат кўрсатишда нотариал идораларнинг ўрни беқиёс.

Меъёр

Лафз

ёхуд унинг нотариал тартибда тасдиқланиши

НОТАРИАТНИНГ вазифалари жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Нотариат фаолияти **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ кафолатланади.

Нотариуслар қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди. Шунингдек, томонларнинг хоҳишига кўра, бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонуннинг 44-моддасига кўра, **рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтказувчига ёки гаровга қўювчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади.**

Уй-жойни, квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат этган шахслар томонидан белгиланади, лекин у битимда қатнашувчи томонлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак. Бироқ васиятномалар ва мол-мулкни гаровга қўйиш, турар жойни ва бошқа кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар нотариусга камида икки нусхада тақдим этилади, улардан биттаси нотариал идоранинг йиғмажилдларида қолади.

Демак, хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, бугун биз каттами-кичикми, ўзаро битим тузар эканмиз, бу битимни, албатта, қонун нуқтаи назаридан тузишимиз лозим бўлади. Ана шундагина фуқароларимиз ортиқча овора-ю сарсон бўлмайдилар.

Иноят КАРИМОВА,
Данғара туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Мулоҳаза учун мавзу

ҲАМ ТАХТИНИ, ҲАМ БАХТИНИ БЕРСИН!

ХОНАМГА ёши элликдан ошган, сочларига оқ оралаган жувон кириб келди.

— ЎҒЛИМНИ унаштирганман. Тўй бошламоқчиман. Касбим ўқитувчи, турмуш ўртоғим ҳам муаллим. Бизни бир муаммо ўйлантираяпти. Никоҳдан ўтиш машмашаси ҳаддан зиёд экан. Камида бир хил рангда ўнта "Нексия" автомашинаси бўлиши, ҳар бир соати фалон пул бўлган "Лимузин"га келин-куёвнинг миниши шарт экан. Бундан ташқари, никоҳдан ўтгандан кейин ёшлар учун, албатта, ресторанда ўтириш қилиб бериш керак эмиш. Келин бир кун киядиган никоҳ кўйлагининг нархи осмонда. Шуларни эр-хотин хомаки чўтга уриб, бу тадбирни қандай ўтказамиз, деб ҳангу манг бўлиб қолдик. Элчилик, қовун-қовундан ранг олади деганларидек, кўпчилик шундай қилаяпти-да!

Яқинда келин бўлмишга шу тадбирни одмироқ қилиб ўтказайлик, деб гап солсак, бошқалардан қаерим кам? Ҳаётимда бир маротаба бўладиган хурсандчилик кунимда қитмирлик қилишмасин, дебди.

Нима қилишга ҳайронман. Бошим қотди.

Ҳузуримга келган муалличанинг гапини эшитиб:

— Опа, ваҳима қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Ёшлар никоҳдан ўтишлари учун ортиқча дабдаба керак эмас. Ўтган йили 300 нафар, жорий йилнинг ўтган олти ойида уч

юз нафар ёш келин-куёвни никоҳдан ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам гапингизда жон бор. Айтганингиздек, айримлари никоҳдан ўтиш маросимини дабдабага айлантираётганликлари рост. Бу ҳақда эшитаяпмиз. ФҲДЁ бўлимидан чиққанларидан кейин биздан яширинча дабдабага айлантиришаяпти экан.

Никоҳдан ўтишнинг ўз қонун-қоидалари, маданияти ва ўзига хос удумлари бор. Масалан, бизнинг ФҲДЁ бўлимида никоҳдан ўтадиган ёшлар учун ҳамма имкониятлар яратилган. Келин-куёвлар шўх-шодон мусиқа билан кутиб олинади. Яқин кишиларининг ёшларни табриклашлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Лекин шунга қарамай, минг афсуски, ёшларимиз ФҲДЁ даргоҳидан чиққанларидан кейин муқаддас жойларни зиёрат қилиш баҳонасида енгил автомашиналарда пойга ташкил этиб, бутун шаҳарни бошларига кўтарадилар. Бу ҳам етмагандек, никоҳ маросимларидан кейин уюштириладиган шоҳона базму жамшидларни қандай баҳолаш мумкин?

Биз ёшларнинг ҳаётида бўладиган шодиёна кунини ундай ёки бундай ўтказиш керак деган кўрсатма беришга ҳаққимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқ. Лекин ҳар бир маъраканинг ўз йўриғи, чеки-чегараси бор. Бошқача айтганда ўз тартиби мавжуд. Айрим кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари баъзи кимсалар қиладиган никоҳ маросимини кўриб ўксинишлари мумкин.

Яна бир гап. Ёшларимизни ёш десак, биз катталарга нима бўлди? Нега бундай тантаналарни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олаяпмиз. Энг ёмони, ўзимиз ёшлар гапига кириб, ўзимизни қийнаб қўямиз.

Ҳаммамиз ҳам кўзимизнинг гавҳари бўлган фарзандларимизнинг бахти-камоли учун очиғи, ўзимизни қийнаб бўлсада орзу-истакларини амалга оширамиз. Ҳар биримиз фарзандларимизнинг омонат тахтини эмас, умрбоқий бахтини ўйлаб иш қилишимиз шарт.

Муҳаббат ЖАМОЛОВА,
Каттақўрғон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

Луқма

Ранг кўр, ҳол сўр...

ёки омборхонанинг омонат сўзлари

МЕН Тошкент вилояти, Пскент туманидаги Аҳмад Дўстбеков фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган собиқ омборхонаман. Ростини айтсам, 2006 йилдан буён қаровсиз бўлиб қолдим.

АНЧА-МУНЧА маблағ эвазига қурилган, давлат ҳисобида турган мендек бинонинг аҳволим бирам ачинарлики, қор, ёмғирларда ивийвериб "суяк"ларим ҳам чириб қолдиёв. Олғирлар хомашёларимгачa тинч қўймай олиб кетишаяпти. "Ҳай" дейишга ҳолим йўқ.

Мени рисоладаги тартибда сотиб олиб, бирор хайрли мақсадда фойдаланмоқчи бўлган тадбиркорлар кўп эди. Аммо Аҳмад Дўстбеков собиқ ширкат хўжалигининг тугатиш комиссияси раиси бўлган Турсунали Ҳайдаров ўзи учун ҳам устама нарх (шапка) қўйди шекилли, харидорлар ўз-ўзидан безиб кетаверди.

Дастлабки нархим 60006000, сўнг 30003000 сўмга баҳоланган эди. Бугунги "хушсуврат" ҳолдаги баҳойим эса 400 000 сўмга ҳам арзимайди-я.

Одамлар ҳалиям қурилиш ашёларимни талон-торож қилишда давом этишмоқда. Тишимни суғургандек ғиштларимни кўчириб олишмоқда.

Ажабланарлиси, менинг аҳволимдан Дўнгкўрғон фуқаролар йиғини, маҳалла, фермер хўжаликлари уюшмаси аъзолари ҳам воқиф. Уларнинг беэътиборликларига эса

хайронман.

Ҳурматли таҳририят! Мен элга ҳали кўп ва хўп хизмат қилишга чоғланганман. Фақат озгина қарашиб юборсанг, бошқа омборхоналарга ўхшаб бағрим тўлиб қолса, ажаб эмас.

Омборхонанинг омонат сўзларини оққа кўчирувчи:

Абди ПАРДАЕВ

Бир шикоят изидан

Гуруч курмаксиз бўлмайди...ми?

Қинғир ишнинг қийиғи чиқди

МАМЛАКАТИМИЗ раҳбарининг "Инсон ҳар нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди" деган сўзларида асрлар оша ўз исботини топган олий ҳақиқат мужассам. Конституция ва қонун устувор бўлган юртимизда адолат ҳамиша барқарорлигини тобора тараққий топаётган фуқаролик жамияти кишилари яхши билишади. Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, орамизда қонунни писанд қилмайдиган нопок кимсалар ҳануз учраб туриши ачинарли.

1996 ЙИЛ 27 декабрдаги "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, барча жойларда бўлгани каби, Андижон туманининг Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида ҳам аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш ишлари амалга оширилди.

Қўшимча уй-жойга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг аризалари ўрганилиб, "Ҳакан" ҚФЙ раиси Ў.Қосимовнинг 1996 йил 5 апрелдаги 28-а/IV-сонли қарори билан жамоа хўжалиги бошқарув ҳайъати аъзолари ва вакиллари йиғилишининг 187 нафар фуқарога ер участкаси бериш тўғрисидаги 1996 йил 31 мартдаги 12/1 рақамли қарори тасдиқланди. Мазкур қарорни тасдиқлаш ҳақида Андижон туманининг собиқ ҳокими Х.Ҳакимовнинг 1997 йил 30 декабрдаги 648к-сонли қарори қабул қилинди. Лекин қизиғи шундаки, ушбу қарорда 187 нафар эмас, балки 318 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ер ажратиш кўрсатилган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан бу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида вазият фуқаролар мурожаатлари асосида ўрганилганда, бир-бирига занжирдек уланиб кетган бир қатор ноқонуний ҳолатлар очила борди. Жумладан, "Ҳакан" ҚФЙнинг 187 нафар фуқарога чиқарган қарори ҳамда 318 нафар фуқарога чиқарилган қарори бир хил санада (1996 йил 5 апрель) қабул қилинган бўлиб, бир хил рақам (28-а/IV-сонли) билан рўйхатга олинганлиги аниқланди. Бу ҳолат бўйича ҚФЙнинг собиқ раиси Ў.Қосимов ва собиқ котиби М.Мирзаев адлия бошқармасига берган тушунтириш хатларида 187 нафар фуқарога чиқарилган қарор аслида тўғри эканлиги, 318 нафар фуқарога чиқарилган қарордаги имзолар сохта эканлиги тўғрисида ёзишди.

Сохта ҳужжат тузиш кимга, қандай мақсадда керак бўлиб қолди? Бу саволга воқеа жараёнида жавоб топгандек бўлдик. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатнинг қалбакилиги шундан ҳам кўриниб турибдики, биринчи, яъни 187 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги "Ҳакан" ҚФЙ қарорининг асл нусхаси Олтинкўл тумани давлат архивида сақланмоқда. Вилоят давлат архивида сақланаётган иккинчи, яъни 318 нафар фуқарога ер ажратурди. Ижобий жавоб бўлавермагач, ҚФЙ раиси Д.Қурбоновдан ёрдам сўради. Бу ҳақда "Оғулик" МФЙ раиси Р.Қурбонов қуйидагича маълумот берди: "...ҚФЙ раиси билан биргаликда Ҳуснидинга бўш жойдан 0,5 сотих ер ўлчаб бергач, туман ҳокимиятининг мутасадди ходими М.Мирғапиров олдига бордик. У бу ҳолатни расмийлаштиришга ваъда берди. Кейинчалик билсак, айнан шу жойни Д.Мўйдиновга ёзиб бериб-ди..." Дарвоқе, Д.Мўйдинов муҳандис Қ.Отахоновнинг куёви йил 30 декабрдаги 684-к-сонли қарори билан ер берилганлиги акс этиб турибди.

Шунингдек, Д.Мўйдиновнинг қўлидаги туман ҳокимининг 1997 йил 30 декабрдаги 648к-сонли қароридан кўчирма сифатида аслига тўғри, деб Қ.Отахоновнинг имзоси билан тасдиқланган сохта ҳужжат Охунбобоев жамоа хўжалиги қайта ташкил этиш комиссиясининг муҳри билан тасдиқланган бўлса-да, комиссия раиси Р.Дадахонов томонидан имзоланмаган. Мавжуд қонун талабларига кўра, туман ҳокимлигининг

сохта ҳужжатнинг қинғир қирраларидан бири ойдинлашгандек бўлди. Чунки Д.Мўйдиновнинг исми-шарифи юқоридаги 28-а/IV-сонли қарорнинг асл нусхасида йўқ эсада, ушбу қарорнинг қалбаки вариантида пайдо бўлиб қолган. М.Мирғапиров адлия бошқармасига ёзган тушунтириш хатида туман ҳокимининг 2005 йил 30 ноябрдаги 364к-сонли қарорига мувофиқ 2006 йилда шахсан ўзи Д.Мўйдиновга уй-жой қуриш учун 0,5 сотих ер участкаси ажратиб берганлигини маълум қилади. Вақоланки, Д.Мўйдинов томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда туман ҳокимининг 1997 йил 30 декабрдаги 648к-сонли қарорининг ваколатига кирмаса ҳам, бу каби ноқонуний фаолият билан доимий равишда шуғулланиб келган. Туман ҳокимлиги бу каби ноқонуний ҳолатлардан бехабар бўлганлигига ишониш қийин. Афсуски, қинғир ишнинг қийиғи анчагина экан. Вилоят давлат архивида сақланаётган туман ҳокимининг 1997 йил 30 декабрдаги 648к-сонли сохта қарор рўйхати ўрганилганда 318 нафар фуқаро ўрнига 321 нафар фуқаро кўрсатилиб, 3 нафар фуқарога ноқонуний тарзда ер участкаси берилганлиги аниқланди. Масалан, рўйхатнинг 221-тартиб рақами остида икки нафар фуқаро А.Умрзоқов ва Э.Тажибоевлар, 253-тартиб рақами остида А.Тиллаев ва К.Абдусаломов, 295-рақам остида эса М.Қурбонов ва А.Бакировлар турибди. Бу каби найрангбозликнинг яна бири, рўйхатда бўлмаган М.Эгамбердиевга ҳам Қ.Отахонов томонидан "Ҳакан" ҚФЙ ҳудудидан ноқонуний тарзда 0,6 сотих ер майдони ажратилиб, уни ишонтириш мақсадида 648к-сонли қарордан сохта кўчирма тайёрлаб берган. Бир томондан ҳаётнинг оқ-қорасини ажрата олиш, ёшларга одобу ахлоқдан сабоқ бериш ёшидаги отахоннинг бундай қаллобликка қўл уриши ажаблантирса, яна бошқа томондан 2005 йилдан буйруқ билан расмийлаштирилмаган ҳолда Андижон туманида ер тузувчи мутахассис вазифасини бажарганлигини билгач, унинг қўлтиғига сув пуркаётган кимсалар кимлар экан, деган хаёлга боради киши. Адлия бошқармаси томонидан Х.Тулаков ва Д.Мўйдиновларнинг мурожаатлари ўрганилиши давомида якка тартибда уй-жой қураётган кўплаб фуқароларнинг қўлида Қ.Отахонов ёки туман ҳокимлигининг яна бир "ҳожатбарор" ходими И.Турдиев томонидан тасдиқланиб, 648к-сонли ва 364к-сонли қарордан берилган ноқонуний кўчирма ҳужжатлари борлиги аниқланди.

Маълумки, мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятларидан бири — одил судловни таъминлашдан иборатдир. Мана шундай муҳим жараён даврида мазкур низоли ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг 2008 йил 9 июлдаги қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судининг 2008 йил 26 августдаги ажрими юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларнинг асли ва сохталиги инобатга олинмасдан қабул қилинганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки, ҳақиқатдан кўз юмиш шунчалик осон бўлса? Қолган гапни тегишли мутасадди ташкилотларга ҳавола этарканмиз, қилмишлари ҳеч бир қолипга тўғри келмайдиган кимсаларга қадимги Рим донишманди Цицероннинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишни жоиз топдик. "Қонун бу имону эътиқод демакдир. Инсон учун ундан ортиқ бойлик бўлмас".

Комилжон ТОЛИПОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси етакчи мутахассиси,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОН!

Бухоро вилояти адлия бошқармаси Вобкент тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-365) 223-21-20, 223-53-65

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Равшан Муҳитдиновга волидаи муҳтарамаси **Муборак аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Равшан Муҳитдиновга волидаи муҳтарамаси **Муборак аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси Э.Пардаевга отаси **Жума ПАРДАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ахмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановича
Тўраев Тўра Эргашевич
Сандов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-515. Тираж — 19615. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 6 7